

Ўтилган мавзуни тақорорлаш учун БЛИЦ САВОЛЛАР:

- 1. Мулк ҳуқуқи кенг маънодаги ашёвий ҳуқуқ сифатида нимани англатади?**
- 2. Мулк тушунчасининг ҳуқукий асосларини қайси манбалар ташкил этади?**
- 3. Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қандай белгиланган?**
- 4. Ер кодексида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қандай белгиланган?**

З-МАВЗУ: ЕРГА МУЛКЧИЛИК ХУҚУҚИ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУҚУҚИ (4 соат)

РЕЖА:

- 1.Ерга нисбатан давлат мулкчилиги тушунчаси.**
- 2.Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари.**
- 3.Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.**

**З-мавзу. 2-маъруза:
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ
ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

РЕЖА:

- 1. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асослари.**
- 2. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг турлари.**
- 3. Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.**

МАЪРУЗА МАШГУЛОТИНИ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони: 100	3-Мавзу, 2-маъруза :2 соат
Ўқув машгулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машгулотнинг режаси:	<ol style="list-style-type: none">Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши.Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг турлари.Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари
<p>Машгулотнинг мақсади: Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш.</p>	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ol style="list-style-type: none">Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисида тушунча бериш.Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг турлари тўғрисида тушунча бериш;Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари ҳақида тушунчалар бериш.	<ol style="list-style-type: none">Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисида тассавурга эга бўлади;Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турларини тўғрисида тассавурга эга бўлади;Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари тўғрисида тассавурга эга бўлади.
Ўқитиши услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум.
Ўқитиши воситалари	Доска, топшириклар, тарқатма материаллар.
Ўқитиши шакли	Фронтал, коллектив иш,
Ўқитишишарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади. Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. **Land Law: Text, Cases, and Materials.** OUP Oxford, 2012
- 2.М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи..**Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан.** Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. **Ер ҳуқуқи.** Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. **Земельное право.**Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.**Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
- 7.M.Mirzaabdullaeva, A.Muqutov, Z.Xafizova. **Yer huquqi**, О'quv qo'llanma.-Т.:TIMI,2016.- 196 b
- 8.**Земельное право:** Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Норматив ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида”, Ўзбекистон,Т.:1990
2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ости ҳужжатлари тизими

Интернет ресурслари

1. [http:// www.colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. <http://www.Lex.uz>

ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚ ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛАДИ?

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқий муносабатлари, яъни ер ресурсларига нисбатан булган ҳуқуки унсур холда келиб чиқмасдан, балки қонунларда белгиланган тартиб ва асосларда вужудга келади. Ер участкасига нисбатан булган ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўгрисида», «Деҳқон хўжалиги тўгрисида», «Ижара тўгрисида»ги ва бошқа қонунларда белгиланган.

Ер участкаларига нисбатан ҳуқуқни вужудга келиши авваламбор **ер ажратиш** каби хукукий тадбирни амалга ошириш билан вужудга келади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚ ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛАДИ?

ЕК 31-модда

Ер участкаларига нисбатан ҳукукни вужудга келишида **ер ажратиб бериш жараёни** муҳим аҳамиятга эга. Ер бериш ер участкаларига нисбатан ҳуқуқни вужудга келишига нисбатан асосий восита бўлиб, бу жараён маълум бир босқичлардан иборат бўлади:

- **биринчи босқич** - ер берилишини сўраб ариза беришидир;
- **иккинчи босқич** - мазкур аризани ваколатли давлат органида кўриб чиқиш;
- **учинчи босқич** - ер ажратиш тўгрисида қарор чиқариш;
- **тўртинчи босқич** - натура тартибида ер участкасини жойда ер тузиш ёрдамида ажратиб беришдан иборат.

Ер кодексининг 31-моддасида белгиланишича юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Бугунги кунда республикамизнинг ер қонунчилигига юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасидан турли ҳуқуқий асосларда фойдаланиши мумкинлигининг белгиланиши уларнинг конституциявий ҳуқуқларининг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Зотан, Собиқ Совет иттифоқи даврида ерга нисбатан фақатгина фойдаланиш ҳуқуқи тан олиниб, фуқаролар учун ҳам юридик шахслар учун ҳам ер участкалари фақатгина бепул доимий (умрбод) ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан биректирилар эди. Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг эса, бозор иқтисодиётига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилган кенг қамровли ер ислоҳотларининг амалга оширилиши, ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар шаклининг хилма-хиллигининг қонуний мустаҳкамланиши, ер ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилиши натижаси ердан фойдаланиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бунга мисол сифатида ер кодексининг 17-моддасини келтириш мумкин . Унда юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари келтирилган бўлиб, бу ўз навбатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи шаклларини белгилаб беради.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУҚУҚИНинг МАНБАЛАРИ


Ўзбекистон
Республикаси
конституцияси

Ўзбекистон
Республикаси
фуқаролик
кодекси

Ўзбекистон
Республикаси
қонунисти
хужжатлари

Ўзбекистон
Республикаси
ер кодекси

ЕР КОДЕКСИДА БЕЛГИЛАНГАН ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚ ТУРЛАРИ (ЕК 17-модда)



**Жисмоний
шахсларнинг
ердан
фойдаланиш
ҳуқуқида
қандай
хусусиятлар
мавжуд?**

Фуқаролар ердан фойдаланишда бир вақтнинг ўзида ушбу ҳуқуқлардан бир нечтасига эгалик қилишлари, яъни турли асосларда ер участкасидан фойдаланишлари мумкин, масалан, уларнинг ўз мулкида турар жой иморати бўлиши ва айни дамда бошқа бир ер участкасини муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ёки ижарага олишлари мумкин.

**Юридик
шахсларнинг
ердан
фойдаланиш
ҳуқуқида
қандай
хусусиятлар
мавжуд?**

Юридик шахсларда эса қонунда алоҳида белгиланган ҳоллардан ташқари, бундай кенг танлаш имконияти бўлмайди. Ердан фойдаланишнинг юқорида келтирилган барча турлари муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлайди. Бироқ бунда ҳуқуқлар мажмуи ва даражаси турлича бўлади. Мулк ҳуқуқи фойдаланувчи ҳуқуқлари барқарорлигини энг юқори даражада таъминлайди. Зотан, унда айрим ҳолатларни (ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш) инобатга олмагандা фойдаланиш муддати тўла-тўқис мулқдор ихтиёрига боғлиқ бўлади.

ЕР УЧАСТКАСИДАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ МАЗМУНИ

Ер участкасидан доимий фойдаланиш мамлакатимизда узок вақтлардан бери амалда бўлиб келаётган ерга нисбатан ҳуқуқ шаклларидан бири ҳисобланади. Мазкур асосда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуки номиданоқ унинг ер участкасидан фойдаланишнинг аниқ муддатини белгиланмаган ҳолда фойдаланиш (унинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш)ни ифодалаши англашилади. Яъни, **ер участкасидан доимий фойдаланиш** – бу аниқ муддатини белгиламаган ҳолда давлат мулкидаги ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи. Бунда “фойдаланиш” атамаси замирида нафақат фойдаланиш, балки эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам қамраб олинган. Бинобарин, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини унга эгалик қилишсиз амалга ошириш мушкул бўлгани боис, улар ўзаро узвий алоқадор бўлиб, ушбу ҳуқуқлардан бирини амалга ошириш иккинчиси билан боғлиқ ҳисобланади. Доимий фойдаланиш ҳуқуқини бир қатор асос ва мезонларга кўра таснифлашимиз мумкин.

**Ер участкасидан
доимий
фойдаланиш
хуқуқи маңсадига
күра қўйидаги
кўринишларга
ажратилади**

қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун


тураг жой ва жамоат иморатларини қуриш
маңсадида

саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа
маңсадларида

табиятни муҳофаза қилиш,
соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-
маданий маңсадларда

сув хўжалиги эҳтиёжлари учун ва бошқа
маңсадларда

Ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуки



Ер фонди тушунчаси

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қиласди. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4311,3 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8 та тоифага** бўлинади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНинг ТОИФАЛАРИ БЎЙЧА
ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ**

Т/ р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га	
		01.01. 2015 й.	01.01. 2018 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20417,0	20261,6
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,6	221,2
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	905,1	857,1
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	704,4
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	9,7	14,3
6	Ўрмон фонди ерлари	9752,3	11153,3
7	Сув фонди ерлари	832,4	833,7
8	Захира ерлар	12680,3	10846,8
		14092,4	14092,4

**Ер участкаси
тушунчаси**

ЕК 10-
модда

Ер участкаси хиллари





**Ер участкаси
тушунчаси**

ЕК 10-
модда

ер фондининг кайд этилган
чегарага, майдонга, жойлашиш
манзилига, ҳуқуқий режимга хамда
давлат ер кадастрида акс
эттириладиган бошка
хусусиятларига эга бўлган кисми

Ер участкаси хиллари



**Ер участкаси
тушунчаси**

ЕК 10-
модда

ер фондининг кайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга хамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошка хусусиятларига эга бўлган кисми

Ер участкаси хиллари

бўлинадиган

Ўзининг асосий фойдаланиш максадини ўзгартиргмаган ва ёнгинга карши, санитария, экологияга оид, шахарсозлик хамда бошка мажбурий нормалар ва коидаларни бузмаган холда кисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин хосил бўлган кисмларнинг хар бири мустакил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси

Ер участкаси түшүнчеси

ЕК 10-
модда

ер фондининг кайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга хамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошка хусусиятларига эга бўлган кисми

Ер участкаси хиллари

бўлинадиган

бўлинмайдиган

Ўзининг асосий фойдаланиш максадини ўзгартирган ва ёнгинга карши, санитария, экологияга оид, шахарсозлик хамда бошка мажбурий нормалар ва коидаларни бузмаган холда кисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин хосил бўлган кисмларнинг хар бири мустакил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси

Фойдаланиш максадига кўра мустакил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари

**Ўзбекистон
Республика
сининг
фуқаролари**

**саноат,
транспорт
ҳамда бошқа
ноқишлиқ
хўжалик
корхоналари,
муассасалари
ва
ташкилотлари**

**чет эл
инвестициялари
иштирокидаги
корхоналар,
халқаро
бирлашмалар ва
ташкилотлар**

**чет эллик
юридик ва
жисмоний
шахслар**

Ер кодексининг
фойдаланишнинг
фойдаланиш ҳисобланади.

17-моддасига навбатдаги шакли

кўра ер участкасидан
ердан муддатли



Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш **қисқа муддатли – уч йилгача** ва **узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин**. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вактинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вактинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига **йигирма беш йилгача** муддатга берилиши мумкин.

Ижарага олиш ер участкасидан фойдаланишнинг муҳим шаклларидан ҳисобланади. Ер ижараси тўғрисидаги тушунча Ўзбекистон Республикасининг 19.11.1991йилда қабул қилинган "**Ижара тўғрисида**" ги конунишнинг 1-моддасида келтирилган.


ижара

шартнома асосида ерга,
бошқа табиий ресурсларга,
шунингдек, хўжалик
фаолиятини ва ўзга
фаолиятларни мустақил
равишда амалга ошириш
учун ижарачига зарур
бўлган мол-мулкка ҳақ
тўлаш эвазига муддатли
эгалик қилиш ва ундан
фойдаланиш

ер ижараси

мулк эгаси (давлат ёки унинг
маҳаллий ҳокимият органлари)
томонидан ер участкаларини
шартнома асосида бошқа
фойдаланувчига (ижарачига)
мустақил хўжалик фаолиятини
амалга ошириш учун, қоидага кўра,
маълум ҳақ эвазига ва маълум
муддатга бериш шакли

Ер кодексининг **24 -моддасига** кўра ер участкасининг
ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, хак
эвазига эгалик килиш ва фойдаланишдан иборатdir



ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛАДИГАН УМРБОД ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ МАЗМУНИ

Ушбу ҳуқуқ тури қонунчилигимиз учун янги тушунча бўлиб, у ердан фойдаланиш институтининг субинститутларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ер участкасининг умрбод эгалик учун берилиши, авлоддан-авлодга қонуний мерос орқали ўтиш, уй-жойга, чорбоғга мулк ҳуқуки асосида эга бўлишни ифодалайди. Ер кодексига мувофиқ ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуки факатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тақдим этилиши мумкин, яъни юридик шахслар ушбу ҳуқуқ асосида ер участкасидан фойдалана олмайдилар.

ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛАДИГАН УМРБОД ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ МАЗМУНИ

ЕК 27,55-моддалар

Ер кодексининг **27-моддасига** биноан, шаҳар, посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ҳар бир оиласга **0,06** гектаргача ер участкалари берилади. Шу билан бир қаторда якка тартибда уй-жой қуриш учун **0,04** гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда кимошди савдоси асосида реализация килинади.

Шунингдек, Ер кодексининг **55-моддасига** биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари дехқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

ЕР УЧАСТКАСИГА МУЛК ҲУҚУҚИНинг МАЗМУНИ

ЕК 18-модда

Қонун ҳужжатларида юридик ва жисмоний шахсларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири ер участкаларига мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилишлари мумкинлиги кафолатланган. Ер кодексида белгиланишича, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2006 й. ПФ-3780 сонли фармони бу қоида моҳиятини амалда ўзгаришига олиб келди.

**ЕР
УЧАСТКАСИГА
НИСБАТАН
ХУҚУҚЛАРНИ
ВУЖУДГА КЕЛИШ
АСОСЛАРИНИНГ
МАНБАЛАРИ**

Ўзбекистон
Республикаси
ер кодекси

Ўзбекистон
Республикаси
қонуни “Фермер
хўжалиги
тўғрисида”

Ўзбекистон
Республикаси
қонуности
ҳужжатлари

Ўзбекистон
Республикаси
қонуни “Дехқон
хўжалиги
тўғрисида”

Ўзбекистон
Республикаси
қонуни
“Ипотека
тўғрисида”

ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ

Ер участкалариға бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қиласи **давлат рўйхатига олиш** каби ҳуқуқий харакат ер участкалариға нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқнинг энг асосий қисми ҳисобланади. Ер участкалариға эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуклари туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ерларни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатга олинади. Ер участкалариға бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуқка оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкалариға бўлган мулк ҳуқуқи юзага келишига асос бўладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга асосан рўйхатга олинади.

ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2014 йил 7 январда қабул қилинган **“Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1-сон қарорига** таянган ҳолда шуни тъкидлаш жоизки, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш расмий, мажбурий ҳаракат бўлиб, унинг асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари белгиланади ва рўйхатга олинган пайтдан бошлаб вужудга келган деб эътироф этилади. Ер участкасига ҳуқуқнинг вужудга келиш жараёнини муайян ер участкасига юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқларини дастлабки тарзда белгилаш операцияси сифатида тавсифлаш мумкин. Бинога, имаратга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуки бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки ана шу мулкларнинг олди-соттиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва ер участкасига оид тегишли хужжатлар асосида рўйхатга олинади

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш обьекти бўлиб қандай хужжатлар хизмат қилади?

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланадиган, шундай ҳуқуқлари пайдо бўладиган, ўзгарадиган ёки тўхтатиладиган барча юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиш субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талабларига мувофик расмийлаштирилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тегишлича тасдиқлайдиган, берадиган, ўзгартирадиган, чеклайдиган ёки тўхтатадиган юридик хужжатлар рўйхатга олиш обьекти ҳисобланади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўtkазиш қўйидаги изчилликда амалга оширилади:

- **ариза қабул қилинади;**
- **ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва материаллар текшириб кўрилади;**
- **аризаларни қабул қилиш реестрида ариза қайд этилади;**
- **ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олинади;**
- **ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олингандиги тўғрисидаги гувоҳнома субъектга берилади.**

**Ер участкасига бўлган
ҳукуқнинг бекор
бўлишига сабаб бўладиган
холатлар**



ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ?

Ер кодексининг **36-моддасига** кўра бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;**
- 2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;**
- 3) юридик шахс тугатилганда;**
- 4) ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;**
- 5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;**
- 6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;**
- 7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганди;**

ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ?

8) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

9) қонун хужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошли савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, - гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади.